



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 4 апрель, № 65 (9236)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТИЗИМИ ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий таълим, фан ва инновациялар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, тизимдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, илм-фанни иқтисодиёт билан узвий боғлаш, таълим ва тадқиқот интеграциясини чуқурлаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан тақдимотда олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган янги чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Жумладан, «U10 — Ўзбекистоннинг глобал даражадаги илмий университетлари» дастури амалга оширилади. Дастур доирасида тиллов асосида 10 та олий таълим ташкилотига миллий тадқиқот университети мақоми берилиб, уларда илмий кластерлар ташкил этилади.

Мазкур тиллов профессор-ўқитувчи ва олимлар салоҳияти, иштирокчи ташкилотларнинг миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрни, илмий инфратузилмаси ҳамда молиялаштиришдаги улуши каби кўрсаткичлар асосида ўтказилади.

Ташкил этиладиган илмий кластерлар маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари, илмий муассасалар ҳамда саноат корхоналари ҳамкорлигидаги консорциум сифатида фаолият юритади.

Миллий тадқиқот университети мақоми берилган университетга илмий кластер ташкил этиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 150 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

Шунингдек, олий таълим тизимида натижага йўналтирилган молиялаштириш механизмларини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2027 йилдан бошлаб олий таълим ташкилотларини уларнинг миллий рейтингдаги натижаларига қўра молиявий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.

Бунда университетлар таълим сифати, илмий фаолият, халқаро ҳамкорлик, рақамлаштириш ва битирувчилар бандлиги каби мезонлар асосида баҳоланади.

Давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун олийгоҳларга ажратиладиган маблағ-

лар миқдорини шакллантиришда ҳам янги ёндашувлар таклиф этилди. Эндиликда таълим йўналишининг мураккаблиги, меҳнат бозори эҳтиёжлари, университет рейтингини, ҳудудий омиллар ва профессор-ўқитувчилар меҳнати рағбатлантириш каби кўрсаткичлар инобатга олинади.

Илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизими жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, давлат илмий дастурлари доирасида ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи устувор йўналишларга сарфланади. Лойиҳаларни саралаш халқаро экспертиза, илмий-техник кенгашлар ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Шунингдек, олий таълим ва илмий ташкилотлар фаолиятида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни кенгайтиришга қаратилган янги тизим таклиф этилди.

Жумладан, олийгоҳларнинг «spin-off» корхоналарини ташкил этиш орқали «тармоқ — корхона — олий таълим ташкилоти — илмий ташкилот» занжирини асосида инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

Бу орқали илм-фан натижаларини амалиётга таълим тизимида илмий ишланмаларни кучайтириш ва университетларнинг тадбиркорлик фаолиятини ошириш мақсад қилинган.

Ўзбекистонни минтақавий таълим хабиға айлантириш мақсадида хорижий талабаларни жалб этиш бўйича янги механизмлар таклиф қилинди. Жумладан, ҳар йили республика давлат олий таълим ташкилотларида 500 нафаргача иқтидорли чет эл фуқароларига олий таълим олиш учун грант ажратишни назарда тутувчи «Янги Ўзбекистон стипендиеси» дастурини амалга ошириш белгиланмоқда.

Тақдимотда соҳада бошқарув самардорлигини ошириш, рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш, ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа муҳим ташаббуслар ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, уларни босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим ва илм-фан тизимини янги даражага олиб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ ОҒИР ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев тўловга қобилиятсизлик институтини такомиллаштириш ва молиявий аҳволи оғир тадбиркорлик субъектларини соғломлаштириш бўйича самарали ёндашувлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва улар учун янада қулай шaroитлар яратиш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда. Ислохотлар натижасида юртимизда 300 мингдан ортиқ яқна тартибдаги тадбиркорлар ва 5,5 миллион нафар ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолият юритмоқда. Хусусий бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши эса сўнгги беш йилда 45 фоиздан 58 фоизга ошди.

Жорий йилда кичик ва ўрта бизнесга 140 триллион сўм кредит ажратилиб, банклар томонидан жалб қилинган 8 миллиард доллар ташки ресурсларни маҳалладаги тадбиркорликка йўналтириш, ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳудудларга 20 триллион сўм ажратиш белгиланган.

Шу билан бирга, яратилган корхоналар ва иш ўринларини сақлаб қолиш, молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларини эрта босқичда қўллаб-қувватлаш борасида ҳали ечимини кутаётган масалалар кўплиги қайд этилди.

Хусусан, фаолият қўрқатмаётган ёки тугатилган кичик корхоналар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу ҳолат амалдаги тизим корхонани сақлаб қолиш ва қайта тиклашга эмас, кўпроқ унинг фаолиятини расмий тугатишга қаратилгандалат бераётгани қайд этилди.

Аввало, тўловга қобилиятсизлик таомиллари этарли даражада қўлланилмапти. Молиявий аҳволи оғирлашган 93 мингта тадбиркорнинг атиги 10 мингтаси бўйича тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилган. Судгача ва суд санацияси тизими амалда самарали ишланмапти, сўнгги беш йилда атиги 68 та корхонага санация таомили қўлланилган, шунда ҳам фақат 7 тасининг қўрилиши тикланган.

Суд бошқарувчилари фаолияти ҳам танқидий кўриб чиқилди. Қатор ҳолатларда иш юритиш муддатлари бузилгани, асоссиз ҳулосалар берилгани, сохта банкротлик аломатларини ўз вақтида ўрганиш механизми этарли эмаслиги қайд этилди. Суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш тизимидаги бўшлиқлар малакали мутахассисларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётгани, айрим ҳолатларда эса иш-

ларни сунъий чўзишга сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, соҳанинг рақамлаштирилмагани, онлайн мониторинг ва назорат йўқлиги, банкрот ёки тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхоналарнинг очик реестри мавжуд эмаслиги, давлат органлари ўртасида маълумот алмашинуви этарли даражада йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шу муносабат билан соҳада давлат бошқаруви самардорлигини ошириш бўйича янги институционал ёндашувлар таклиф қилинди.

Хусусан, Адлия вазирлиги ҳузурда Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича агентлик ташкил этиш таклиф қилинди. Ушбу тузилма соҳада ягона давлат қўриқчини юритиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, банкротлик омилларини таҳлил қилиш ва барқарор этиш чораларини кўриш, корхоналарни молиявий соғломлаштиришга кўмаклашиш билан шугулланади.

Суд бошқарувчилари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида Суд бошқарувчилари палатасини тузиш таклиф этилди. Палата суд бошқарувчилари фаолиятини мувофиқлаштириши, уларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишни ташкил этади, улар томонидан қўриқчилик ва касб этикасига риоя этиш мониторингини юритиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Молиявий аҳволи оғир бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги молиявий механизмлар ҳам тақдимот қилинди.

Жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорлар учун Бизнесни кафолатлаш миллий компанияси орқали кафилик бериш, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси орқали тижорат банкларидан паст фоизли кредит линияларини очиш орқали корхоналарни молиявий тиклашга кўмаклашиш режалаштирилмоқда.

Бунда тижорат банклари ажратган кредитлар бўйича асосий қарз ва фоизлар санация якунлангунга қадар кечиктирилади, кредит санация якунланганидан сўнг 3 йил ичида қайтарилади, кредит қардорлигини реструктуризация қилиш асослари яратилади.

Солиқ ва кредит қардорлигини кечиктириб тўлаш ҳамда реструктуризация қилиш тартибларини соддалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари айрим солиқлар бўйича тўловларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериши, шунингдек, бундай механизмлар гаров, банк кафолати ёки суғурта полиси асосида солиқ органлари томонидан ҳам қўлланиши мумкин бўлади.

Давлат кўмағидаги судга санация чоралари билан келишув, молиявий ёрдам жалб қилиш, солиқ ва кредит тўловларини кечиктириш, қарзларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни қайта иختисослаштириш, корхонани қайта ташкил қилиш, малакали мутахассисларни жалб этиш ва ходимларни қайта тайёрлаш каби воситалардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Тақдимотда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини кенгайтирилади. Бунда кредиторлар билан келишув, молиявий ёрдам жалб қилиш, солиқ ва кредит тўловларини кечиктириш, қарзларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни қайта иختисослаштириш, корхонани қайта ташкил қилиш, малакали мутахассисларни жалб этиш ва ходимларни қайта тайёрлаш каби воситалардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Тақдимотда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини кенгайтирилади. Бунда кредиторлар билан келишув, молиявий ёрдам жалб қилиш, солиқ ва кредит тўловларини кечиктириш, қарзларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни қайта иختисослаштириш, корхонани қайта ташкил қилиш, малакали мутахассисларни жалб этиш ва ходимларни қайта тайёрлаш каби воситалардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Шу мақсадда тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишнинг ягона электрон платформасини ишга тушириш таклиф қилинди. Ушбу платформада тўловга қобилиятсизлик иши юритилаётган шахслар, санация қўлланилаётган корхоналар ва суд бошқарувчилари реестрлари юритилади. Барча жараёнлар — ариза беришдан тортиб корхонани тугатишгача — электрон шаклда олиб борилади. Шунингдек, мазкур тизим жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун очик бўлади.

Бу орқали соҳада очиклиқни таъминлаш, маълумот алмашинувини тезлаштириш, назорат ва мониторингини кучайтириш, аризаларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш имкони пайдо бўлади.

Президентимиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда янги корхоналар ташкил этиш билан чекланиб қолмасдан, ишлаб турган бизнесни сақлаб қолиш, вақтинча қийинчиликка учраган корхоналарга ўз вақтида кўмак бериш, уларни иқтисодий фаолликка қайта олиб чиқиш лозимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга тўловга қобилиятсизлик институтини халқаро тажриба асосида тўдан такомиллаштириш, соҳага замонавий бошқарув, самарали санация механизмлари ва рақамли ечимларни жорий этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ў.А.

Медиахафталик

МИЛЛИЙ КОНТЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Глобал ахборот маконидаги ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект ривожини мамлакатимиз медиа соҳаси вакиллари олдиға янги вазифаларни қўймоқда. Шу билан бирга, миллий контентни янада ривожлантириш давр талабига айланган.

Журналистлар, блогерлар ва матбуот котибларининг билим ҳамда маҳоратини, тажрибасини бойитиш, ижодкорлар ўртасида дўстона мулоқотни қарор топтириш мақсадида ташкил этилган медиахафталик Қорақалпоғистон Республикасидан бошланди. Бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказиладиган хафталикда турли ташкилотларнинг ахборот хизмати раҳбарлари ва ходимлари, ҳудудий ҳамда маҳаллий телеканаллар вакиллари (муҳбир, тасвирчи, монтажчи, режиссёр, муҳаррир), босма ва электрон ОАВ ходимлари ҳамда мустақил блогерлар қатнашмоқда.



Нукус шаҳридаги «Оқ қуш» мажмуасида 30 март — 3 апрель кунлари ўтказилган хафталик доирасида интенсив ўқув-семинарлар, тренинг ва маҳорат дарслари ташкил этилди.

Кеча медиахафталик тадбирларининг якунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази директори Қобилжон Аҳмедов сўзга чиқиб, йирик лойиҳа — медиахафталикнинг айнан Қорақалпоғистондан бошлангани бежиз эмаслигини таъкидлади. Сўнгги йилларда ҳудудда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ва янгиланишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Медиаойиҳа нафақат амалда фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини ошириш, балки соҳага қизиқувчи ёшларни замонавий миллий контент тайёрлашга ўргатиш ва уларнинг билимларини мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этди.



Учрашув

КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа ишлари бўйича давлат вазири Гюнтер Крихбаум бошчилигидаги делегация билан учрашди.



Сўхбат чоғида томонлар ўзаро ишонч ва стратегик шериклик таъминлашга асосланган Ўзбекистон — Германия муносабатлари юксак даражада эканини ургулашди. Икки томонлама ҳамкорликка барқарор суръат бахш этаётган

олий даражадаги фаол сиёсий мулоқот муҳимлиги таъкидланди. Парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш, жумладан, тегишли қўмиталар, ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш ва ўзаро ташрифлар ташкил этиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқаларни, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги шерикликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Қозоғистон: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент дипломатияси



Унда делегация раҳбарлари ўтган йили Олмаота шаҳридан кейин Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши мажлисида қўриб чиқилган масалалар юзасидан ахборот берди. Давлатлараро алоқалар, Президентлар ўртасидаги келишувларнинг бажарилиши бўйича парламентлар олдида турган

вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, олий даражадаги учрашувлари тўғрисида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юксак даражага кўтарилиб, кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишларда жадал вужудланиб бормоқда.

Икки мамлакат Президентлари парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Бу борадаги ташаббуслар ижросини таъмин-

лашда парламентларнинг ролини янада ошириш мақсадида ўзаро муносабатлар Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари аъзолари эришилган олий даражадаги келишувларнинг қўриқчилик асосларини таъминлашга устувор аҳамият қаратмоқда.

Мажлисида кенгаш аъзолари томонидан икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ҳамда истиқболлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўриқчилик билан мустаҳкамлаш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари, маданий-гуманитар ва туризм алоқаларини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди.



«ЯШИЛ МАКОН» — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Бугунги кунда юртимизда **3 та** ботаника боғи, **мавжуд бўлса, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида яна 12 та** ботаника ва **16 та** дендрология боғини ташкил этиш режалаштирилган.

2028 йилга қадар **Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида** майдони **100 гектардан** кам бўлмаган ботаника ҳамда дендрология боғларига асос солиш кўзда тутилган.



Натижада:

2030 йилгача мамлакатда умумий яшиллик даражасини **14,2** фоиздан **30** фоизгача ошириш;

«PM2,5» ва «PM10» концентрациясини **20 — 25** фоизга камайтириш;

иқлими оғир ҳудудларда ҳаво ҳароратини ўртача **1,5 — 2** даражага пасайтириш мақсад қилинган.



Сенат қўмиталарида

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ НАТИЖАДОРЛИГИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг самарали миллий тизими шакллантирилиб, ушбу йўналишда парламент назорати сезиларли даражада кучайтирилди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни тўғрисидаги миллий маъруза муҳокама марказида бўлди.

Унда қайд этилишича, рақобатбардош бозор иқтисодиётини барпо этишда жадал ислохотлар амалга оширилиши Иқтисодий эркинлик индексида ўтган йили мамлакатимиз 2024 йилдаги нисбатан 6 поғона юқорилаб, 100-ўрнига эгаллашга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, ушбу индекс йўналишидаги мулкчилик ҳуқуқи субиндикатори 2024 йилда 32,9 баллни ташкил этган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич 33,5 баллга етган.

Шунингдек, мазкур кўрсаткичлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, хусусан, саноатни ривожлантириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш йўналишлари билан узвий боғлиқ экани таъкидланди.

бардош саноат унумдорлиги индексида 153 та давлат орасида 83-ўрнига эгаллаб, ўз позициясини 5 поғонага яхшилаган.

Мажлисида интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш мuddати 50 йилдан 70 йилга узайтирилди.

2 608 та интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқлар ҳимояга олингани қайд этилди.

Муҳокама давомида сенаторлар устувор рейтинг ва индекслар бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаш, масъул давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳавий "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ҳамда улар ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилди.

Мажлис якунида қўмитанинг мазкур йўналишдаги ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган қарори қабул қилинди.

АСОСИЙ ВАЗИФА – БАРҚАРОР ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ТАЪМИНЛАШ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмиталарининг ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Соғлиқни сақлаш, Фавқулodat вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирилари, Миллий гвардия, Бош прокуратура, Фанлар академияси ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Муҳокама давомида мамлакатда барқарор эпидемиологик вазиятни таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрғаниш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда дунёда эпидемиологик вазият мураккаблигича қолмоқда. Хусусан, ўта хавfli инфекциялар — ўлат, вабо ва куйдирги каби касалликлар, шунингдек, янги вирусли тахдидлар глобал миқёсда жиддий хавф туғдирмоқда.

Яқин ўтмишдаги COVID-19 пандемияси эса биологик хавфсизлик масалаларининг нақадар долзарб эканини яна бир бор намоён қилди.

Мутахассислар томонидан келтирилган маълумотларга кўра, Марказий Осиё минтақасида табиий ўчоқли инфекциялар

фаоллиги сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон ҳудудидаги табиий ўчоқлар, хусусан, Кизилқум ва Устюрт ҳудудлари алоҳида эътибор талаб қилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан тадбирда эпидемиологик назоратни кучайтириш, тизимли мониторинг ва профилактика чораларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

Айни чоғда биологик хавфсизликни таъминлашда давлат органлари ўртасидаги мувофиқлашган ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилди. Хусусан, Фавқулodat вазиятлар, Мудофаа ва Ички ишлар вазирилари ҳамда Миллий гвардиянинг ўзаро мувофиқлашган харақати мамлакат биохавфсизлиги тизимининг самарадорлигини таъминлашга алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари эшитилиб, улар асосида келгусидаги вазибалар белгилаб олинди.

КРЕАТИВ ИНДУСТРИЯ РАВНАҚИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида креатив иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда креатив иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, мазкур соҳадаги ижодий салоҳиятни иқтисодий қий-матга айлантириш ҳамда ижодий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, креатив иқтисодиётнинг изчил ривожланишини таъминлаш учун янада қулай шарт-шароитлар, рағбатлантирувчи механизмлар яратилиши ва имтиёзлар берилиши талаб этилмоқда.

Ушбу қонун билан тегишли қонун ҳужжатларига Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Креатив индустрия парки резидентлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларга жалб қилинган мутахассислар учун айрим солиқ

имтиёзлари берилишини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун билан 2026 йилдан 2030 йилга қадар Креатив индустрия парки резидентлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларга жалб қилинган чет эл контрагентларига солиқ имтиёзлари берилляпти.

Сенаторлар қайд этганидек, мазкур қонун креатив индустрияни қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, давлатлараро маданий тадбирларни самарали ташкиллаштириш ҳамда соҳада барқарорлик ва адолатли рақобатни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ШОНЛИ САНА ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Куни кеча Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Акс садо

Айниқса, "Янги Ўзбекистон" гоёси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритиш масаласи бугунги куннинг долзарб вазибаларидан бири. Чунки ҳар бир фуқаро мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни, яратилаётган имкониятларни чуқур англаса, у ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланади.



ҳида урғу берилгани эътиборни тортади. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда саноат, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли даромадлари ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, ёшларга оид масалаларнинг устувор йўналиш сифатида белгилангани ҳам таҳсинга сазовор. Зеро, ёшлар — юртимизнинг ке-

лажаги, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари. Улар учун яратилаётган имкониятлар — сифатли таълим, замонавий касб-хунарлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси келажақ тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади.

Қарорда ижтимоий химоя, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, нурунийларга эътибор каби масалаларга ҳам алоҳида ўрин берилгани давлат сиёсатининг марказида инсон қадрли турганини яна бир бор тасдиқлади.

Мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, илмий анжуманлар, ижодий лойиҳалар халқимизнинг миллий гурурини ошириши, айниқса, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ижросини таъминлашда парламентнинг

ўрни беқиёс. Чунки биз белгиланган вазибаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиб борамиз. Ҳар бир амалга оширилаётган иш ортида эса халқ манфаати, юрт тараққиёти мумкин.

Умуман, бу сана нафақат байрам, балки ўтган йўлимизни сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқларимизни таҳлил этиш ва келажақ учун янги марраларни белгилаб олиш имконияти ҳамдир. Шу жиҳатдан бу жараён барчамизни бирлаштиради, Ватанимизга меҳр ва садоқатимизни янада мустаҳкамлайди. Чунки мустақиллик фақат тарих эмас, бу — бугунги масъулият ва келажақ олдидаги муқаддас бурч.

Ўқтамжон АХУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТАШАБУСЛАРИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Муҳокама

Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари томонидан турли соҳаларда муҳим ташаббус ва лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда. Бу эса жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортиб боришига сабаб бўляпти. Бунда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан "Бир миллион дарах" акцияси доирасида 20 та тадбир ортиқ кўчатлар экилиб, 78 та очик мулоқот ўтказилди. "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" доирасида 20 та тадбир ташкил этилди ва уларда 22 мингдан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

мой химоя, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, таълим ва спорт соҳаларидаги фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

Жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан "Бир миллион дарах" акцияси доирасида 20 та тадбир ортиқ кўчатлар экилиб, 78 та очик мулоқот ўтказилди. "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" доирасида 20 та тадбир ташкил этилди ва уларда 22 мингдан ортиқ иштирокчилар қатнашди.

Илк бор 5 нафар юрдошимизга "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти топширилди, 29 нафар фаол фуқаро "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳудудларда ўтказилган 254 та жамоатчилик назорати

фонди орқали юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотларига 10 млрд. сўм йўналтирилди.

Шунингдек, Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йўли доирасида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга оширишга қаратилган давлат дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда фуқаролик жамияти институтларини иштироки ва уларнинг тақлифлари алоҳида эътибор марказида бўлди.

Мажлисида 2026 йил учун устувор вазибалар белгилаб олинди, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ КИШИЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова Хоразм вилоятининг қатор туманларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган мулоқотларда иштирок этди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Мазкур хайрия тадбирлари Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда ўтказилди.

30 дан ортиқ оилаларга ноз-неъмат тўплари, зарур дори-дармон воситалари тарқатилди ҳамда малакали тиббий кўриқлар ташкил этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий муаммолари атрофлича ўрганилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан аниқ манзилли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ИИВ Академияси билан меморандум имзоланди

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилари Академияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ҳамкорлик

Таъкидландики, мазкур ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги ислохотларни самарали амалга ошириш ва парламент фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятли.

ватлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, соҳадаги долзарб масалалар юзасидан қўшма тадқиқотлар ва экспертлик фаолиятини амалга ошириш назарда тутилган.

Шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича амалий семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда қўшма тадбирларни ташкил этиш орқали илгор тажрибалар алмашинуви йўлга қўйилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Қозоғистон: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш масалалари бўйича сўз юритилди.

Томонлар икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган олий даражадаги келишувларнинг ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатилган келишиб олди.

Сўз — иштирокчиларга

Екатерина СМОЛЯКОВА, Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси депутаты:

— Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик дўстлик ва биродарлик муносабатлари боғлаб туради. Икки мамлакат Президентлари ўртасидаги очик ва ишончли мулоқот ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

аъзолари сифатида биз, депутатлар эришилган барча келишувлар ижросини таъминлаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқдамиз.

Эришилган келишувлар доирасида амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу ҳамкорлик механизми нафақат сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг учинчи мажлиси якунида томонлар юқори даражадаги ишонч ва алоқаларни янада чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдор экани яққол кўрсатди.

Ишончимиз комилки, йиғилиш натижалари давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтариш, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ай-

ниқса, парламентлараро алоқаларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты:

— Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, кўп қиррали ва тизимли тус олди. Давлатлар раҳбарларининг доимий тарзда амалга ошираётган ташрифлари, самимий учрашув ва мулоқотлари халқларнинг дўстона муносабатларига янгича руҳ бағишлаб келмоқда.

Хусусан, маданий-гуманитар алоқалар ўзаро дўстлик ва ишончли мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Биргина 2025 йилда ўтказилган 18 та йирик маданий тадбир бу йўналишдаги ҳамкорликнинг амалий натижаларини намоён этди.

Халқаро фестиваллар эса икки давлат

ўртасидаги маданий алоқаларни янада бойитмоқда.

Туризм соҳаси ҳам ўзаро алоқаларнинг истиқболли йўналишларидан бири саналади. Сўнги йилларда туристлар оқими барқарор ўсиб бораётгани эътиборга молик. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари ўртасидаги Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ўз самарадорлигини амалда намоён этмоқда. У икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги мажлиси эса нафақат сиёсий мулоқотни ривожлантириш, балки маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашиш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишни мониторинг қилишга туртки беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.



Амир Темури нафақат ўз даврида энг қудратли давлат асосчиси, балки илм-фан, маданият ва санъат, маънавият ҳомийси, қадим Самарқандни дунёнинг энг кўркам ҳамда улғув шаҳарга айлантирган олган тарихий шахс ҳам саналади. Соҳибқироннинг Иккинчи Ренессанс асосчиси сифатида дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Зотан, ҳар қандай тараққиётнинг асосини таълим-тарбия, илм-фанда, деб билган Амир Темури Самарқандга олиму фузало, тарихчилар, уста-меъморларни жалб қилди.

Маънавият ва маърифат аҳлининг жамиятдаги макенини, обрўсини кўтариб, шаҳар ва кишолқларда бошланғич мактаблар очди. Катта шаҳарларда олий таълим муассасалари сифатида мадрасалар бунёд этди.

Диний билим билан бирга дунёвий илм берилишини йўлга қўйди. Самарқандда ўз даврида ягона бўлган кутубхона барпо этди. Мударрисларга қундалик маошлар белгилаб, таълимга, илмга эътиборини давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Амир Темури даврида барча соҳалар, жумладан, иқтисодиёт, ташқи сиёсат, савдо-сотик ривожланди. Қўламазорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Темури ва темирлийлар даврида Самарқанд ва унинг атрофида 14 та катта боғ барпо этилган бўлса, унинг 10 тасига Амир Темури асос солгани таъкидланади. Ҳар тугилиб ўсган шаҳар Кеш — Шахрисабз, яъни "яшил шаҳар" деб атала бошланди.

Сув чиққан ерларга ариқ, ҳовузалар қазилиб, сув олиб келинди ва деҳқончилик ишлари кенгайтирилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда "Инсон қадрли учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларни то маънода айнан Амир Темури даврида бошланган бунёдкорлик ишларининг мантисий давоми, десак, тўғри бўлади.

Бугун юртимизда Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйилаётган экан, ушбу жараёнда Соҳибқирон мероси, "Темури тузуқлари" тарихий асари биз учун дастуриламал, гоят қимматли манба вазифасини ўтамоқда.

Амир Темури мероси, эзгу гоёлари халқимизнинг ўзлигини англаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни тиклаш, айниқса, ёшларга улғу аждодларимизга муносиб таълим бериш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўта маъсулият мақсадларимиз рўй-биди маънавий куч-қувват манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 5 февралдаги "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан шу кунларда юртимизнинг барча таълим ва ҳарбий муассасалари, қорона ва ташкилотлар, маҳалларда "Амир Темури ойлиги" доирасида маданий-маърифий, илмий тадбирлар, халқаро анжуманлар ўтказилмоқда.

Амир Темури ва темирлийлар даври тарихи билан боғлиқ туркум китоблар, илмий ва илмий-оммабоп асарлар тайёрланиб, чоп этиш чоралари кўриляпти.

Асосий мақсад — буюк аждодимиз асос солган Иккинчи Уйғониб давраининг миллий ва умуминсоний моҳияти, ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инobatга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш.

Зухра МИРҲОЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Анжуман

Касаба уюшмалари кўзгуси

Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан "Касаба уюшмалари наشريлар трансформация шароитида: конвергенция сари йўл" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган "Ishonch" газетаси ташкил топганининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, журналистика йўналишидаги олий ўқув юр்தларининг профессорлари, касаба уюшмалари фаоллари, журналистлар, ижодкор ёшлар, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Кудратилла Рафиқов очиб, мамлакатимизда кечаётган янгиликлар жараёнларида матбуотга бўлган муносабат, одамларнинг сўз эркинлигини таъминлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар медиа соҳаси вакиллари зиммасига ҳам улкан масъулият юклатилиши таъкидлади.

Қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан сўз ва ахборот эркинлиги, очкилик, жамоатчилик билан мулоқот, инсон қадрини улуғлаш каби тамойиллар асосида туб ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Натижада оммавий ахборот воситаларига муносабат тубдан ўзгарди, матбуот учун кенг имкониятлар яратилиши билан бирга масъулият ҳам юкланди. Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Янги Ўзбекистон шароитида, яъни дунёга очик, ислохотларга, халқаро жараёнларга интеграциялашувга интилаётган мамлакат шароитида фаолият кўрсатмоқда. Сўзсиз унинг наشري бўлган "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари ҳам шу йўлдан бормоқда.

Хорижий иштирокчилар бугунги журналистика, босма наشرлар қандай бўлиши керак деган фикр атрофида ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Соҳада самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, ёш ижодкорлар, газетачи турли йилларда раҳбарлик қилган бош муҳаррирлар, устоз ижодкорлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тақдирланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов сўзга чиқди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар бугун ўз натижаларини бермоқда. Бу, айниқса, яқинда ўтказилган йилгилишда қўриб чиқилган масалаларда ҳам ўз ифодасини топди. Унда 2026 йилнинг биринчи чораги бўйича иқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда жаҳон бозоридagi беқарор вазиятнинг миллий иқтисодиётга таъсирини юмшатиш чоралари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот эшитилди.

Фикр

Таъкидлаш керакики, бугунги кунда глобал иқтисодиётда кузатилаётган кескин ўзгаришлар, геосийсий зиддиятлар, энергия ресурслари нархларининг ошishi ва транспорт-логистика занжирларидаги узилтишлар ҳар бир давлат олдига янги талаб ҳамда вазифаларни қўймоқда. Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини сақлаб қолаётгани, шубҳасиз, ўйланган сиёсат ва самарали бошқарув натижасидир.

Йилгилишда қайд этилганидек, жорий йилнинг дастлабки икки ойида саноат ишлаб чиқариши 7,7 фоиз ўсган. Бу кўрсаткич мамлакатда саноатни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий натижасидир. Хизматлар соҳасида 15,4 фоизлик ўсиш қайд этилгани эса иқтисодиётнинг замонавий драйверлари ривожланаётганини кўрсатади. Айниқса, рақамли хизматлар, туризм, логистика ва савдо соҳаларидаги ўсиш иқтисодиётнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беришмоқда.

Экспорт ҳажмининг 3,5 млрд. долларга етгани ва 8,3 млрд. долларлик инвестиция жалб қилинган мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганидан ни-

шона. Йил бошидан тўққизта вилоятга республика бюджетидан қўшимча 2,3 трлн. сўм ва 500 млн. доллар маблағ йўналтирилгани бу борадаги ишларнинг кенг қамровли эканини тасдиқлайди. Бу маблағлар ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Жорий йилда инфляцияни 6-6,5 фоиз доирасида ушлаб туриш алоҳида маъна сифатида таъкидлаб ўтилди ва бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини барқарорлаштириш, импорт манбаларини диверсификация қилиш ҳамда ички бозорда рақобатни кучайтириш зарурлиги ургуланди. Шунингдек, транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ва муқобил йўлақлардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Жаҳон бозоридagi ўзгаришлар натижасида юк ташини харажатларининг ошishi ва узилтишлар кузатилаётгани экспорт ҳажмига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шу боис қўшни давлатлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, янги логистика йўналишларини ишга тушириш ва тадбиркорлар учун қулай шарт-ша-




роитлар яратиш бўйича топшириқлар берилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини авиаташув орқали экспорт қилиш ва тадбиркорлар учун арзонлаштирилган тарифларни жорий этиш каби чоралар экспортни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобал вазият айрим инвестиция лойиҳаларига таъсир кўрсатиши, шу боис ҳар бир лойиҳани мунтазам таҳлил қилиб бориш, инвесторлар билан доимий мулоқот ўрнатиш ва муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш зарурлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди.

Айтиш керакики, иқтисодиётини бошқариш нафақат мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан кўра билишни ҳам талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, стратегик режалаштириш ҳамда таҳлил қилишнинг аҳамияти янада ортиб бораётир.

Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади — барқарор ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг таъкидланган чидамлилигини кучайтириш. Юртимизда бу борада амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлар нафақат бугунги кун муаммоларини ҳал этишга, балки келажак учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилмоқда. Шубҳасиз, бу мақсадларга эришиш учун биз, депутатлар, қолаверса, барча даражадаги раҳбарлар, тадбиркорлар ва фуқаролар биргаликда ҳаракат қилиши, масъулиятни чуқур ҳис этиши ҳамда белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажариши лозим.

Бахтиёр АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Энергетика тизими иқтисодиёт тармоқларини ҳаракатлантирувчи асосий драйвер ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани изчил ривожлантириш, мавжуд қувватларни мустаҳкамлаш ва янгиликларни барпо этишга жиддий эътибор қаратилаётгани замирида ҳам иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсад-муддаоси мумкин.

Таҳлил

Кувонарлиси, ушбу жараёнда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг стратегик йўналиши сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарь вилоятларида ўндан зиёд куёш ва шамол электр станциялари ишга туширилгани, юртимизнинг турли нуқталарида умумий қуввати 450 мегаваттлик гидроэлектр станциялар фойдаланишга топширилгани соҳа равангага эътибор мевасидир.

Таҳлилларга қараганда, қайта тикланувчи энергия манбалари ичида гидроэнергетика нисбатан тез ривожланмоқда. Буни соҳа мутахассислари у экологик тоза ва арзон экани, фойдаланиш самарали ва қулайлиги билан изоҳлашапти. Энг асосий омил эса давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сув-энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида бундан тўққиз йил бурун "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилганидир. Негаки, соҳага масъул янги тузилманинг пайдо бўлиши гидроэнергетика салохиятидан самарали фойдаланишга янада кенг йўл очиб берди.

Салоҳият ҳам, имконият ҳам бор

Дарҳақиқат, илгари республика бўйича 36 та гидроэлектр станция фаолият юритиб, уларнинг жами қуввати 1 604 мегаваттга тенг бўлган. Бугун-чи?

Ўтган қисқа даврда 1,3 млрд. АҚШ долларлик инвестициялар жалб этилиб, мавжуд гидроэлектр станцияларидан 13 таси модернизация қилинган бўлса, 64 та янги объект фойдаланишга топширилди. Бунинг ҳисобига республикадаги ГЭСлар сони 100 тага етказилди. Ўз навбатида, ишлаб чиқариш қувватлари 800 мегаваттга оширилиб, умумий қувват 2 400 мегаваттга ташкил қилмоқда.

Тизимдаги ана шундай техник янгиликлар ва модернизациялаш шарофати билан 2025 йилда 6,5 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Шу ўринда табиий савол туғилади: бу рақам ошми ёки ёқ?

Агар юртимиздаги мавжуд гидросалоҳият инобатга олинмаган бўлса, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги ойдинлашади. Чунки ўрганишлар мамлакатимиз бўйича икки мингтача микро ва кичик ГЭСлар қуриш учун табиий шароит борлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун Президентимиз томонидан соҳа масъуллари олдида хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилган ҳолда, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш вазифаси қўйилган. Бунга амалда эришиш учун эса ҳуқуқий, иқтисодий шароит-шароитлар яратиш берилаётир.



Сув оқимларидан олинаётган қувват. Экологик тоза ва арзон электр энергияси манбалари кўпаймоқда.

— Ҳозирги пайтда мавжуд гидросалоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган қўллаб-қўллаш лойиҳалари устида ишланаяпти, — дейди "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фаррух Нуруллаев. — Биргина 2026 йилда 264 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши, энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 15 фоизга ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда жорий йил давомида умумий қуввати 152 мегаватт бўлган 15 та янги қувват фойдаланишга топширилади.

Биринчи миллий ГЭС

Ҳозирда "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан Норин дарёсида қурилиши жадал олиб борилаётган "Норин ГЭС-лар каскади"нинг иккинчи ва учинчи станциялари ҳам шу йили ишга туширилиши кўзда тутилган. Айтиш жоизки, 6 та ГЭСдан иборат мазкур йирик лойиҳанинг умумий қиймати 428 млн. доллардан зиёд бўлиб, ялпи қуввати 228 мегаваттлик ташкил этади. Ўтган

ҳалар ижросининг белгиланган муддатда бажарилиши, тантанаринг ошиб кетмаслиги учун соҳада маҳаллийлаштириш даражасига ургу берилаётгани кўл келаяпти. Масалан, Бўстонлиқ туманида "UzHydroPower" қўшма корхонаси ишга туширилган хориж гидроагрегатларига деярли эҳтиёж қолмади. Сабаби Марказий Осиёда ягона ушбу корхона қуввати 1 кВтдан 40 мегаваттга бўлган гидроагрегатлар ҳамда ГЭСлар учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

300 кишилик корхона жамоаси томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга ички бозорда талаб нихоятда катта. Ҳозирда беш йиллик буортмалар портфели шакллангани сўзимиз исботидир.

Умуман олганда, "Ўзбекгидроэнерго" АЖда 2025 йилда 700 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу кўрсаткич жорий йилда 935 млрд. сўмга етказилиши белгиланган.

Соҳада маҳаллийлаштириш кўлами бундай кенгайиб бораётганини ГЭСлар суририлиши, айниқса, давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан "миллий лойиҳа" сифатида амалга оширилаётган "Киштут ГЭСлар каскади" қурилиши янгича мазмун бахш этмоқда.

Юқори Тўполанг гидро-салоҳиятидан оқилана фойдаланиш учун тикланаётган мазкур иншоот умумий қуввати 80 мегаваттга тенг 3 та ГЭСдан иборат бўлади. Унинг фойдаланишга топширилиши Сурхондарь вилоятининг энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқларини

электр энергияси билан барқарор таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбалари улусини оширишга хизмат қилади.

Қиёслаш учун айтиш жоизки, 2017 йилда Сурхондарь вилоятида атиги 1 та ГЭС фаолият юритган бўлиб, қуввати 30 мегаваттлик ташкил этган ҳолос. Кейинги йилларда Тўполанг сув омбори ҳажми 100 млн. куб метрдан 500 млн. куб метрга етказилган, Тўполанг дарёсида янги қувватларни ишга тушириш имконияти пайдо бўлди. Пировартида ГЭСлар сони 13 тага етказилиб, вилоятдаги гидроэнергетик қувватлар ҳажми 9 баробарга ошди. Бу "яшил" энергия ишлаб чиқариш ҳудудий салоҳияти 273,4 мегаваттга, йиллик қувват ҳажми эса қарийб 800 млн. кВт-соатга етказилди, деганидир.

Минтақадаги дастлабки инновацион лойиҳа

Ўзбекистоннинг табиий-жуғрофий жойлашуви ва сув ресурсларининг чекланганлиги гидроэнергетика соҳаси олдида обиҳаётдан фойдаланишда инновацион ечим-

лар топшишни тақозо қилади. Шунинг учун амалиётга янги ва креатив лойиҳалар жорий этиляпти. Бу ерда гап Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб юртимизда гидротўплаш иншоотлари барпо қилиниши ҳақида кетмоқда.

Энергетика соҳасидаги мазкур янги лойиҳанинг ишлаш механизми ГЭСлардан фарқли равишда сувни юқори ҳавзада ушлаб туриб, уни қайта айлантириш орқали электр энергия ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Гидротўплаш электр станциясининг афзаллиги шундаки, у сутканинг энергия қувватига талаб пасайган пайтда тизимдаги электрни ўзига қабул қилиб, тизим пайтда тизимга қайта етказиб беради. Натижада аварияларнинг олди олиниб, таъминотда барқарорликка эришилади.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ масъулларининг айтишича, айна пайтда республикамизда тўртта гидротўплаш иншооти лойиҳалари устида иш бошланган. Яъни хорижлик ҳамкорлар ва инвесторлар билан музокаралар олиб бориляпти. Устувор режага кўра, 2026 йил якунига қадар шартномалар имзоланиб, келгуси йилда дастлабки иншоотнинг қурилиши бошланади. Унинг лойиҳавий қуввати 600 мегаваттга тенг бўлиб, 2031 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

— Шу каби истиқболли лойиҳаларни тайёрлашда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимда "лоийҳалар фабрикаси"нинг ташкил этилгани кўл келаяпти, — дейди жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азимжон Аҳмаджонов. — Ҳозирги пайтда умумий қуввати 3,2 гигаватт бўлган 50 га яқин истиқболли лойиҳалар устида ташкилий-амалий ишлар олиб борилаётган бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши мамлакат мавжуд гидросалоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш имконини беради, албатта.

Соҳада бугун сув оқимларидан такрор-такрор фойдаланиш орқали кичик гидро-станцияларни муттасил қўпайтириш чоратадбирлари кўриломоқда. Ана шундай лойиҳалар ижросига хусусий сектор ва тадбиркорлар ҳам жалб этилиб, ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, асосан, тоғли ҳудудларда барпо қилинадиган микростанциялар орқали нафақат энергетика масаласи ҳал этилади, балки у ҳудуд инфратузилмаси яхшиланишига катта туртки беради. ГЭСлар қурилган чекка ҳудудларда тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш корхоналари пайдо бўладики, буларнинг барчаси иқтисодий тараққиётга, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Зеро, энергетика тизимини ривожлантиришдан кўзланган пировард мақсад ҳам аслида шу: аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжини узулсуз таъминлаш, одамлар розилигига эришиш.

Саид РАҲМОН («Халқ сўзи»).



ТАҲДИДЛАР ҚАМАЙГАН, АММО...

Глобал терроризм индекси маълумотларига кўра, террорчилик фаолиятининг асосий ўчоқлари ҳамон Африка ва Жанубий Осиё бўлиб қолаётир. Яъни 2025 йилда дунё бўйича жами 2,9 мингдан ортиқ террорчилик акти қайд этилган бўлиб, энг кўп қурбонлар берилган террорчилик ҳужумлари Африкада содир бўлган.

Айтилишича, дунё бўйлаб терроризмнинг умумий даражаси пасайган бўлса-да, таҳдидларнинг характери мураккаброқ ва прогноз қилиш қийин бўлиб қолмоқда. Ҳисоботда ёшлар ўртасида радикаллашув жараёни тезлашаётгани, бунда рақамли платформалар ва онлайн контент муҳим роль ўйнаётгани таъкидланган.

Эслатиб ўтамиз, ҳисоботда мамлакатларнинг кўрсаткичлари тўртта индикатор: ҳужумлар сони, ўлим ҳолатлари, жарахатланганлар ва гаровга олинганлар асосида шакллантирилган.

ТДТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШДИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг Бош вазирлари йилгилиши бўлиб ўтди.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев йилгилиши қатнашчиларини қабул қилди. Учрашувда иштирокчилар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, транспорт ва логистика соҳаларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, йилгилиши якунида қўшма баёнот қабул қилинди.

Қайд этиш жоизки, мазкур учрашув ТДТ ҳукумат раҳбарларининг иккинчи йилгилиши бўлиб, биринчиси 2025 йил 18 сентябрь кунини Қирғизистонда ўтказилган эди.

АСТРОНАВТЛАР ОЙГА УЧДИ

АҚШнинг NASA агентлиги "Artmedia-2" доирасида 1972 йилдан бери илк бор бортида астронавт бўлган фазовий кемани Ойга муваффақиятли учирди.

"Орион" кемаси бортида 4 нафар астронавт бор, у "Space Launch System" ракетага ёрдамчи Канаверал бурнидан учирилди. Парвоз тахминан 10 кун давом этади ва экипаж Ой атрофида бир марта айланиб, Ерга қайтади.

Парвоз давомида экипаж аъзолари Рид Уайзман, Виктор Гловер, Кристина Кох ҳамда Жереми Хансен тахминан 406 минг километр кенгайиши босиб ўтади, бу эса инсоният тарихидаги энг узоқ космик сафар бўлади. Олдинги рекорд 1970 йилдаги "Apollo-13" экипажга тегишли эди. Бу миссия АҚШнинг Ойга қайтиш дастуридаги муҳим босқич ҳисобланади. Сўнгги бор инсон Ойга "Apollo" дастури доирасида 1972 йилда борган.

КРИТ ОРОЛИ ОСМОНИДА ҒАЙРИОДДИЙ МАНЗАРА

Грециянинг Крит оролида саҳродан келган кучли қум ва чанг бўрони кузатилади. "Daily Mail" нашрида хабар беришларича, Сахри Кабирдан кўтарилган чанг Греция ҳудудида етиб келиб, осмонни тўқ сариқ ва қизғиш рангга бўяди ҳамда ғайриоддий манзара ҳосил қилган.

Ноқулай об-ҳаво туфайли Ираклион халқаро аэропортида кўриш даражаси кескин пасайиб, бир қанча самолёт бошқа аэропортларга қўнишига мажбур бўлди. Бўрон нафақат авиацияга, балки ҳудудларга ҳам таъсир кўрсатди. Иерапетрада қум бўрони тўқинлари кирғоқдаги уйларга етиб борди, Пахия-Аммосда эса қуюн юк машинасини ағдариб юборди.

Чанг булути Ретимно шаҳрини ҳам қоплади, кучли шамол вазияти янада оғирлаштирди. Расмийлар аҳолига эҳтиёт бўлишни, ортиқча сафардан тийилишни ва автомобиль ҳайдашда эътиборни кучайтиришни тавсия қилмоқда.

МУЗЛИКЛАР ЖАДАЛ ЭРИМОҚДА

Жаҳон метеорология ташкилотининг "2025 йилда глобал иқлим ҳолати" йиллик ҳисоботида кўра, музликларнинг жадал эриши Марказий Осиё мамлакатларида жиддий сув танқислигига олиб келиши мумкин.

Маълумотларга кўра, 2024/2025 гидрологик йили бутун қушувлар тарихидаги музликлар учун энг вайронкор йиллардан бири бўлди. Уларнинг ҳажми йўқотиши 1950 йилдан бери энг ёмон бешталикка кирди. Айниқса, бу жараёнлар Марказий Осиё учун катта хавф туғдирмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, қисқа муддатда эришнинг тезлашиши сув оқимини оширади, аммо кейинчалик бу, айниқса, қургокчил даврларда, дарёлар сатҳининг пасайишига олиб келади.

Жаҳон метеорология ташкилоти мутахассислари музликларнинг жадал қисқариши сув ресурсларини бошқариш ёндашувларини қайта қўриб чиқишни талаб қилишни таъкидламоқда. Чунки дарёларнинг юқори қисмида йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилиши вазиятини янада мураккаблаштирмоқда.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛҒАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ФАХР-ИФТИХОР ВА ИБРАТ ТИМСОЛИ

Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини таниди. Узок йиллар яшириб келинган буюк боболаримизнинг тарихдаги ўчмас жасорати ва юксак даҳоси ҳақидаги асл ҳақиқатлар рўёбга чиқа бошлади. Сўнги 9 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли тарихий ҳақиқатлар янада рўйириб буй кўрсатмоқда.

Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига

Хар бир халқнинг ўз сардорлари, сарбонлари, алп баҳодирлари миллат парвар, ватанпарвар фарзандлари бўлади. Улар ижтимоий, сиёсий фаолияти, бетакор ақл-заковати билан жамиятнинг ҳам, унда яшовчи кишиларнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборади. Бундай инсонлар ҳар қандай ташқи «кўрсатма», таъйинларга бўйин эгмайди. Ўз халқи, Ватанининг озод ва ободлиги учун фидойилик, жасорат кўрсатади.

Амир Темур — халқимизнинг ана шундай буюк вакили эди. Унинг адолатли жамият барпо этиши, халқ фаровонлигини таъминлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга оид эзгу тамойиллари асрлар давомида ибрат сифатида ўрганиб келинмоқда. Энг муҳими, улар бугун юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотлар билан ҳаммаҳанг.

Қонунчилигимизнинг тарихий илдизи

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантиришда Амир Темурнинг бетакор шахсияти, ибратли ҳаёт йўли, бебаҳо моддий ва маънавий меросидан фойдаланишнинг ўрни беқийёс. Буюк саркардаларнинг халқимизнинг гуруҳ-иқтидорини юксалтиради, ёшларимизга ғайрат-шижоат бағишлайди, маънавий кўч беради.

Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари акс этган Конституциямиз мустақиллик шарофати билан қабул қилинган бўлса-да, аслида унинг илдизлари узок тарихга эга. Улуғ Соҳибқироннинг ҳаёти, сиёсати ва тузуқлари бугунги ҳаётимизда ҳам ўзига хос андоза вази-фасини ўтайди. Негаки, давлатни оқилона ва одилона бошқариш санъати баён қилинган «Темур тузуқлари» ўзининг чу-

қур мазмун-моҳияти билан бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган, аксинча, ҳаётини жабҳаларда маънавий мезон бўлмоқда.

Буюк теурий-лар давлати Марказий Осиё тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирди. Бу даврда ички ва ташқи савдо, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар кенг қулоч ёйди. Кўплаб масжид, мадраса ва мақбаралар бунёд этилган, каналлар қазилиб, суғорма деҳқончилик ривож топди. Соҳибқироннинг авлодлари бир неча юз йил давомида саркарда, давлат ва жамоат арбоби, шоир ва олим сифатида мамлакат равнақига катта улуш қўшди.

“Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида уч мўтабар асос — диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган. Унинг “Куч — адолатда” шиори мустақил Ўзбекистон сиёсатида ҳам ўз аксини топиб бормоқда.”

Соҳибқирон фаолиятининг асослари

Соҳибқирон Турон заминида мустақил давлатни ўрнатишда довурак ва буюк саркардалигини кўрсатган бўлса, бу мухташам давлатни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва пировардида буюк салтанат барпо этишда доғирини сиёсати, юксак маънавият соҳиб эканини исботлади.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида уч мўтабар асос — диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган. Унинг “Куч — адолатда” шиори мустақил Ўзбекистон сиёсатида ҳам ўз аксини топиб бормоқда.

Тарихда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ Соҳибқирондек ном қолдириш учун фақатгина куч-қудратнинг ўзи камлик қилади. Амир Темур ҳаётининг мазмунини адолат билан бирга, инсоф-иймон тўйғуси, диёнат мезони ташкил этган. У оламнинг ярмига жаҳонгирлик қилиб, куч-қудрат зулм ва зўравонликка эмас, аксинча, адолатда эканини амалда кўрсатиб берган.

Буюк ҳукмдор давлат ишларини юритишда ҳар бир можаро ва муаммоли масалаларни ҳал этишда ҳукм чиқаришдан олдин уларни диққат билан текшириб кўрган. Бунинг натижасига қараб ҳаққоният ва адолат билан иш тутган. Ўз раиятига раҳм-шафқатли бўлган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон ўзига тўрт нафар адолатли вазир тайинлайди. Улардан иккитасига доимо уни кузатиб туришини ва агар адолатсизликка йўл қўядиган бўлса тўхтатишларини, кимнингдир ёлгон сўзларига ишонса ёки бегона кимса мулкига хиёнат қиладиган бўлса, дарҳол оғохлантиришини тайинлаб қўйган.

Амир Темур қонунларга риоя этиш

назорат қилган. Соҳибқирон ўз тузуқларида “Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, улардан фикр сўраб эдим. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирардим”, деб ёзади.

Бу салтанатда давлатни бошқариш ва мамлакат тақдирини дахлдор қарорлар қабул қилишда халқ фикрига, хоҳиш-иродасига таянганлидан далолат беради. “Куч — адолатда” шиори бунинг салтанат ҳудудида ахлоқий ва маърифий мезонга айланган. Салтанатдаги адолат ва ҳавфсизлик шунчалар юксак эдики, буни тарихчилар, “агар мамлакатда ёш бола бир товоқ олтинни бошга қўйиб, мағрибдан машиққача борса, ҳеч ким унга қўл чўзма ва олтиндан биттаси ҳам қамаймас эди”, дея таърифлаганлар.

Тинч ва фаровон юртимиз пойтахти Тошкент шаҳри марказида савлат тўкиб турган Амир Темур бобомиз ҳайкалида чукчур рамзий маъно бор. Амир Темурнинг ҳикматларига амал қилган ўзбек халқи адолат маънавиясини банд қўйиб, Ватан боғини обод этиб, тинч ва оқилона ҳаёт кечирмоқда. Не бахти, бугун буюк боболаримизнинг “Куч — адолатда” деган улуғ шиорини бандан туганмиз.


Биз — бугунги ва келажак авлод вакиллари Амир Темур каби буюк сиймо-ларнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишимиз, таъдиқ ва татбиқ қилиш давом эттиришимиз ҳар доимгидан да муҳим. Бугун Учинчи Ренессанс даври пойдевори яратилаётган диёримизда ҳар бир юрдошимиз ҳақиқат ва адолат учун курашиш, жасорат ва матонат намунасини кўрсатиш, халқ фаровонлиги, тинчлиги, юксалиши учун фидойилик қилишдек эзгу фазилатларни шоир тутиб, буюк аждодларга муносиб яшаш даркор.

Азизбек АМОНОВ, Республика «Маърифат» тарбиятчилар жамияти аъзоси, БуюкДУ доценти, социолог фанлари бўйича фалсафа доктори.

КИТОБ ЖАВОНИГИЗГА

«АМИР ТЕМУР ИМПЕРИЯСИ»

Сиёсий фанлар доктори, профессор Тўлқин Алимардонов қаламига мансуб мазкур монография Амир Темур империясининг сиёсат фалсафаси асосларини ўрганишга бағишланган. Унда Соҳибқироннинг Турон давлатини ташкил этиш борасида олиб борган курашлари, Евроосиё минтақасидаги кучлар тўқнашуви, ихтилофлар, ҳавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга доир геосиёсий стратегияси мазмун-моҳияти тадқиқ қилинган.



қонун нисбати, адолат тамойиллари,

Тадқиқотда Соҳибқироннинг давлатчилик концепцияси — тўра-тузуқлар тартиботи, ҳокимият бошқаруви аъёнлари, салтанат идораси амаллари, сиёсий манфаатлар ва мақсадлар мундо-сиблиги, дин ва

хуқуқий муносабатлар мезони, хизматчилар мақоми, саркардалик маҳорати ва буюк Шахс сиймосининг башариёт тарихида тугган ўрни ўрганилган.

Мазкур илмий асар тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр бўлиб, давлат хизматчилари, сиёсатчилар, олим ҳамда тадқиқотчилар, миллий давлатчилик тарихи ва бошқаруви йўналишида ишланган олиб бораётган мутахассислару кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ХОТИРА ХАРИТАСИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан нашр этилган мазкур китоб-альбомида халқимизнинг асрлар давомида яшаб келаётган миллий қадриятлари, моддий ва номоддий бойликлари, улуг аждодлари ҳақида мухтастар маълумотлар берилган.

Хар бир мавзунинг ўзига мос суратлар билан безатилган китобнинг дизайни ва мантқиқий салмоғини янада бойитган.


Китоб-альбомида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш, тарихий мерос ва тарихий хотира, маданий ёдгорликлар, осориётларни асраш, илм-фан, таълим-тарбияни халқимизнинг азалий аъёнлари ҳамда замонавий ютуқлар уйғунлигида ривожлантириш, санъат ва адабиёт, ахлоқий фазилатлар, урф-одат ҳамда маросимларга қайта ҳаёт бағишлаш борасида олиб борилаётган ишларга ургу

қаратилган. Одамларимиз онгу қалби, тафаккурида “Мустақиллик”, “Конституция”, “Давлат рамзлари”, “Янги Ўзбекистон” каби тушунча ва атамалар қадр топаётгани, уларнинг мазмуни ҳамда аҳамияти янада аниқлашиб бораётгани таъкидланган.

Атласда акс этган миллий маросимларимиз, таомларимиз, чолғуларимиз, халқ оғзаки ижоди, она тилимиз ҳақидаги маълумотлар ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

«СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН. ШАЙХ КУБРО»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамкорлигида “Ўзбекистон наشريёти” давлат муассасаси томонидан 2025 йилда “Буюклар болалиги” ижтимоий лойиҳаси асосида “Буюклар ҳаёти — ёшларга ибрат” шиори остида кўплаб китоблар нашр этилди.



Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний каби буюклар ҳақида ҳикоя қилади.

Шулардан бири — мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун мўлжаллаб ёзилган “Султон Жалолiddин. Шайх Кубро” тарихий достони шоир Нуруллоҳ Остон қаламига мансуб бўлиб, енгил ўқилиши ва болалар томонидан қийналмасдан идрок қилиниши жиҳатидан

аҳамиятлидир. Шоир асарда мураккаб сўзларни деярли ишлатмайди ҳамда ўзига хос ташбеҳлар қўллаш орқали жўнликдан қочади. Равонлик ва соддалик, халқ оғзаки ижоди, сўзлашув тилига яқинлиги асарнинг бадииятини янада оширган. Асар композицияси яхлитлиги, ундаги мавзуларнинг тизимлиги, изчиллиги ҳамда бир-бирига боғлиқлиги, уйғунлиги ўқувчини зериктирмайди.

Муаллифнинг ўша давр тарихий воқеалигини чуқур ўргангани, бунинг учун турли тарихчи ва ижодкорлар томонидан ёзилган манбаларга муурожаат қилгани асарнинг бадиий савиясини оширган.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Халқ сўзи».

ИННОВАЦИЯ

«АҚЛЛИ ПАРТА» — ЎҚУВЧИЛАР ИЗЛАНИШИ МАҲСУЛИ

Жамиятимизнинг тезкор тараққиёти, фан-техника ривожини ёшларни мактабда таълим олаётган чоғиданоқ излашни ҳорламоқда. Учқўрғон туманидаги 19-умум-таълим мактаби ўқувчилари Муҳаммадамин Нўмонжонов ва Исролжон Маҳмуджоновнинг иштирокида бунга мисол.



Фанларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан инновацияга қўл урган икковлон яқинда «ақлли парта» курилмасини ишлаб чиқишди. Лойиҳа информатика фани ўқитувчиси раҳбарлигида сажиз ой давомида олиб борилган илмий-амалий ҳаракатлар натижасида ижросини топди.

«Ақлли парта» аъёнаний партадан қатор қўшимча имкониятлари билан фарқланади, — дейди иккитдорли ўқувчиларнинг устози Хусанбой Эргашев. — Унга махсус микроконтролер ўрнатилган бўлиб, тасвирга олиш ва видео узатиш ишларини бажаради. Бу билан ўқувчининг дарсдаги иштироки, хусусан, мавзунинг тинглаш ва ўзлаштириш ҳолатини назорат қилиш мумкин. Яъни барча жа-раён «SMS хабарнома» юбориш

орқали боланинг ота-онасига етказиб турилади. Бундан ташқари, парта ёруғлиқни бошқариш, қурилма баланглигини сошлаш, хона ҳарорати ҳамда намлиқни ўлчаш функцияларига ҳам эга. Алоҳида модуль орқали шахсни идентификация қилиш имконияти жорий этилган.

Айни пайтда патентлаштириш ҳаракати бораётган ушбу «супер парта» мўқобилларига нисбатан 50 фоиз юқори самарадорликка эга бўлиб, «Ихтирочиликка қадам» танловининг республика босқичида энг илгор 10 та лойиҳа қаторидан жол олди ҳамда 61 млн. сўмлик ваучер билан тақдирланди.

Қудратилла НАХМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

ҒАЛАБА ЙЎЛИ

Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида «Енгилмас. Токиога йўл» бадиий фильмининг кутилган премьераси бўлиб ўтди. Бу намойиш нафақат янги кино асар тақдироти, балки миллий спорт ва санъат уйғунлигининг ёрқин намойиши сифатида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Премьера

Кинематография агентлиги, Президент Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида яратилган ушбу фильм Ўзбекистон ифтихори — Баҳодир Жалоловнинг машаққатли ва шарафли спорт йўлига бағишланган. Кинокартина орқали Янги Ўзбекистонда спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, уларнинг ҳаётини самараси ва натижалари таъсирчан бадиий ечимларда ифо-да этилган.

«Енгилмас. Токиога йўл» — бу шунчаки спорт ҳақидаги фильм эмас. Бу оғриқни енгган ирода, синмаган руҳ ва сўнмас озулар ҳақидаги таъсирли ҳикоя. Асарда инсон қалбининг чегара билмас имкониятлари, муваффақият сари йўлдаги синовлар ва енгилмас матонат бадиий талқинида очиб берилган. Ҳар бир лаъва томошабинини ўйга толдиради, уни руҳлантиради ва ҳатто энг оғир паллада ҳам таслим бўлмасликка қорлайди.

Кинокартинани хорижда, жумладан, Японияда намойиш қилиш, шунингдек, уни онлайн платформалар орқали кенг аудиторияга тақдим этиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ КОНТЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорки Кенгеси Аппарати ахборот хизмати бўлими бошлиғи Азамат Ажимуратов ҳам сўзга чиқиб, сўнги йилларда ҳудудда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни медиа соҳасида ёритиш юзасидан тақдирот қилди.

Маросимда катнашган журналистлар ва ёшлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, мазкур лойиҳа келгуси фаолиятларида янада жонли ва сифатли контент тайёрлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Медиаҳафталик давомида иштирокчилар иқтисодий таҳлил, статистик маълумотлар билан ишлаш каби қатор йўналишларда замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича таъриба орттирди, — дейди «Қарақалпақстан жаслар» газетаси бош муҳаррири Арухан Турекеева. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритиш, ижтимоий тармоқларда тезкор ахборот тарқатиш жараёнида фактларни текшириш кўникмалари бўйича ҳам амалий тавсиялар берилди.

Мазкур ҳафталик медиатаълим лойиҳаси сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Унда замонавий технологиялар ва сунъий интеллект воситаларини ўзлашти-



ришга алоҳида эътибор қаратилгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир доирасида катнашчилар замонавий ахборот маконидаги доғлар масалалар — ижтимоий тармоқларда самарали ишлаш, фейк ахборотларга қарши курашиш ҳамда сунъий интеллект имкониятидан фойдаланиш каби йўналишларда фикр-мулоҳазалар алмашди. Шу маънода, ҳафталик нафақат назарий билимларни ошириш, балки амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш,

соҳадаги муаммоларни муҳокама этиш ва янги ечимлар ишлаб чиқиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилди.

Маросим якунида семинарларда фаол катнашган 230 нафардан ортқ теле, радио, газета журналистлари, блогерлар ва медиа соҳаси ходимлари ҳамда ёш иштирокчиларга сертификатлар тантанали равишда топширилди. Бу эса уларнинг саъй-ҳаракатлари ва фаоллигининг муносиб эътирофи сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Қорақалпоғистонда ўтказилган ҳафталик медиа соҳаси вакиллари учун билим ва таъриба манбаи, янги гоғлар, самарали ҳамкорлик ҳамда илҳом майдони айланган. Ишонимизки, ҳамкасбларимиз ва ёшларнинг тадбирларда олган билимлари миллий контент тайёрлаш, уни янада ривожлантириш учун муҳим қадам бўлади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

2026 йил 1 августга қадар ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган «Мустақиллик зафарномаси» махсус китоб-альбоми тайёрланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг суқлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.00 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6